

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A232501 - Логистика (агрологистика) магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОЎМТБ
Буйруқ № 418
" 14 " 08 2020

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат аграр университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 412 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|---|-----|
| 1. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи | 4 |
| 1.1. Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши..... | 4 |
| 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи | 4 |
| 1.2.1. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари..... | 4 |
| 1.2.2. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари..... | 5 |
| 1.2.3. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 2. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 7 |
| 2.1. Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. Касбий компетенциялар..... | 7 |
| 2.3. Касбий квалификациялар..... | 8 |
| 3. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар..... | 8 |
| 3.1. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар..... | 8 |
| 3.2. 5A232501 - <i>Логистика (агрологистика)</i> магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми..... | 8 |
| Библиографик маълумотлар..... | 9 |

1. 5A232501 – Логистика (агрологистика) таълим йўналиши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A232501 - Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A232501 - Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5A232501 - Логистика (агрологистика)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A232501 - Логистика (агрологистика) таълим йўналиши магистратура мутахассислигининг касбий фаолиятлари таснифи

1.2.1. 5A232501 - Логистика (агрологистика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A232501 - Логистика (агрологистика) - Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, илмий тадқиқот марказларида, лойиҳалаш институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш корхоналарида, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятларида, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг турли ихтисослашган корхоналарида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва ҳар хил шаклдаги саноат ва бизнес ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этишни қамраб олади.

1.2.2. 5A232501 - Логистика (агрологистика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг агрологистик фаолияти;
- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи холдинг компаниялари, қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминловчи уюшмаларнинг иқтисодий бўлимлари;
- қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарининг фаолиятини ташкил этиш ва муносабатларини ривожлантириш;
- фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликларининг агрологистик фаолияти;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг шартномавий муносабатлари;
- қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот марказлари.

1.2.3. 5A232501 - Логистика (агрологистика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- Илмий тадқиқот фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Молиявий-иқтисодий фаолият;
- Логистика хизмати фаолияти.

1.2.4. 5A232501 - Логистика (агрологистика) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A232501 - Логистика (агрологистика) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини

оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий кўрсатмалар ҳамда статистик маълумотларга таянган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режалаштириш, яқин ва узоқ муддатлардаги ривожини башоратлаш;

– режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, иқтисод соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

– қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик мезонлари асосида уларни бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

– шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

– аграр соҳада тармоқлар ва соҳалар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобини режалаштириш ва амалга ошириш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича статистик маълумотларнинг иқтисодий таҳлиliga асосланган математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

Молиявий-иқтисодий фаолиятида:

– давлат, маҳаллий ҳукумат ҳамда аграр соҳада турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик субъектлар иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва юритиши борасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– иқтисодиётнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

– иқтисод соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

– хўжалик субъектларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллариини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни изоҳлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш;

– аграр соҳада бозор муносибатларининг шаклланиши ҳамда иқтисодий қонунларнинг амал қилиниш ҳолатини назорат қилиш, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– аграр соҳада турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик субъектлари иқтисодий фаолиятининг мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда иқтисодий таҳлил ва ички назорат тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Логистика хизмати фаолиятида:

– мутахассислик бўйича ташқи иқтисодий фаолият соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик обзорларини (таҳлилларини) ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

2. 5A232501 - Логистика (агрологистика) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолиятидан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- аграр соҳада тармоқ ва соҳалар бўйича хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бозор иктисодиёти тамойилларини қўллаш билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- лойиҳаларнинг иктисодий самарадорлигини баҳолаш, аграр соҳа бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- аграр соҳада иктисодий фаолиятни самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

2.3. Касбий квалификациялар:

- Логистика марказлари харидлар агенти, транспорт хизмати агенти, улгуржи савдо агенти, таъминот агенти, агросугурта агенти, логистика маркази диспетчери, логистика марказлари иш юритувчиси, логист, техник, логистика маркази диспетчери квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

3. 5A232501 - Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5A232501 - Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллер, семестрлар бўйича ўтиладиган «Умумметодологик фанлар», «Мутахассислик фанлари» машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5A232501 - Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Ўқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун* |
|-------------------------------------|------------------------------------|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 60 % |
| <i>Шу жумладан: мустақил таълим</i> | 30 % |
| Аттестациялар | 18 % |
| Таътиллер | 6 % |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 16 % |

Библиографик маълумотлар

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Логистика, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, иктисодий фаолият, иктисодий таҳлил, ички назорат, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоқи, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, фан дастурлари, ишчи ўқув дастурлари, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими

Бўлим бошлиғи  Ш.Жоникулов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
таъбиқ этиш маркази

Директор  Ж. Хакимов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.










Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-
тадқиқот институти

Директор  Б.Султонов

2020 йил « 30 » июль



**5A232501- Логистика (агрологистика) магистратура таълим йўналиши
бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи
Ишчи гуруҳ таркиби**

| т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|------------------|---|--|---|
| Раис | | | |
| 1 | Д.Мамодиёров | Агрологистика ва бизнес факультети декани |  |
| Аъзолари: | | | |
| 2 | Б.Менгликулов | Агрологистика ва бизнес факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари |  |
| 3 | М.Саидов | Агрологистика кафедраси мудири |  |
| 4 | А.Мадалиев | Агрологистика кафедраси доценти |  |
| 5 | Э.Ботиров | Агрологистика кафедраси доценти |  |
| 6 | А.Турдибаев | Агрологистика кафедраси ассистенти |  |
| 7 | З.Сиддиков | Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси доценти |  |
| 8 | Р.Дусмуратов | Бухгалтерия хисоби, аудит ва таҳлил кафедраси мудири |  |
| 9 | З.Кушаров | Ахборот технология ва математика кафедраси мудири |  |

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Вазирлик (идора) номи

Магистратура таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган магистратура таълим йўналиши* | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|-----|--|---------------------------|---|
| | Шифри | номи | |
| 1 | 5A232501 | Логистика (агрологистика) | <p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <p>а) умумий талаблар:</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none">- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;- тегишли магистратура йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат |

| | | | |
|--|--|--|--|
| | | | <p>фаолятини илмий асосда ташкил қила олиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> - соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўникмаларига <i>эга бўлиши лозим.</i> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга; - кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади. <p>б) касбий талаблар:</p> <p>Ташкилий-иқтисодий фаолиятда:</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - давлат ва хўжалик юритувчи субъектларда логистик фаолиятни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш; - қишлоқ хўжалиги корхоналарида логистик фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришни амалга ошириш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналарда илмий-тадқиқотларини ўтказиш; - қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш <i>қобилиятига эга бўлиши лозим.</i> <p>Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигининг логистик фаолиятга оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш; - иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; - қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини мулкчилик шаклидан қатъий назар халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналар кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш; - таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i> |
|--|--|--|--|

| | | | |
|--|--|--|--|
| | | | <p style="text-align: center;">Ташкилий-бошқарув фаолиятида:</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кишлок хўжалигида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда норматив ҳуқуқий ҳужжатларни; - логистик фаолиятни режалаштириш ишларини ташкил этиш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналарда логистик ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истикболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш; - режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларни юритиш; - моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар нормативини ишлаб чиқариш; - хўжалик юритувчи субъект ва унинг буйруқлари фаолиятини иқтисодий таҳлил ҳамда ҳисоб-китоб қилиш; - меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш; - ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориш услублари ва воситаларидан фойдаланиш; - шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш; - тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш; - ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш; - хўжалик юритувчи субъектларни логистик фаолиятини рационал ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибаларни ўрганиш; - ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш; - ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш; - хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китобларни ва хўжалик фаолияти таҳлилинини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш; - меҳнатни муҳофаза қилиш норма ва қоидаларига амал қилиш; - логистика корхоналари фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналарда логистика ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш; |
|--|--|--|--|

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <ul style="list-style-type: none"> - замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш; - логистика корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларида логистика фаолиятни бошқариш; - фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналарида логистик фаолиятни ташкил қилиш ва уни бошқариш; - бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш; - ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i> <p>Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалиги корхоналарининг логистика бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ва молиявий ресурсларни режалаштириш; - қишлоқ хўжалиги корхоналари билан инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш; - тармоқда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқиш; - логистик фаолият натижаларини таҳлил қилиш; - амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш; - логистик хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг истикболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш; - қишлоқ хўжалигида логистика корхоналари рақобат стратегияларини ишлаб чиқиш <i>қобилиятларига эга бўлиши керак.</i> |
|--|--|--|---|

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <p style="text-align: center;">Илмий-тадқиқот фаолиятида:</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш; - қишлоқ хўжалиги корхоналарида логистик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш; - логистика фаолияти билан боғлиқ мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш; - АСМ таркибидаги тармоқ ва корхоналардаги логистик муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш; - интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш; - таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш; - илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш; - маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш; - тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш; - илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш <i>қобилиятларига эга бўлиши керак.</i> <p style="text-align: center;">Педагогик фаолиятида (умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):</p> <p>Магистр:</p> <ul style="list-style-type: none"> - умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш; - ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш; - ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур ўқув- |
|--|--|--|---|

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | услубий хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш; - мустакил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i> |
|--|--|--|---|

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги, ўқув юртлари ва малака
ошириш бўлими бошлиғи



Ш. Жониқулов

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Қибрай тумани

“30” июль 2020 йил

Қатнашдилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саймазаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарқанд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инobatга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

Сўзга чикди: А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Эшитилди: ТДАУ ректори Б.А.Сулаймонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг таклифлари асосида **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимида тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланади. Бакалаврият таълим йўналишларининг сиртки таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан ривожланган хорижий тажрибалар асосида қуйидаги 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалар ишлаб чиқилди:

| № | Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|----|--|---|
| | шифри | номи |
| | Бакалаврият таълим йўналишлари | |
| 1 | 5230100 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5230400 | Маркетинг (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) |
| 4 | 5232500 | Логистика (агрологистика) |
| 5 | 5233300 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 6 | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) |
| 7 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида) |
| 8 | 5320500 | Биотехнология (тармоқлар бўйича) |
| 9 | 5410100 | Агрокимё ва агротупроқшунослик |
| 10 | 5410200 | Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) |
| | 5410200 | Агрономия (анорчилик) |
| | 5410200 | Агрономия (дончилик) |
| | 5410200 | Агрономия (пахтачилик) |
| | 5410200 | Агрономия (мойли экинлар) |
| | 5410200 | Агрономия (шоличилик) |
| | 5410200 | Агрономия (ем-хашак экинлари) |
| | 5410200 | Агрономия (соя экини агротехникаси) |
| | 5410200 | Агрономия (техник экинлар) |
| | 5410200 | Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик) |
| 11 | 5410300 | Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) |

| № | Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|---------------------------------------|--|---|
| | шифри | номи |
| 12 | 5410400 | Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилиги (экин турлари бўйича) |
| 13 | 5410500 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича) |
| 14 | 5410600 | Зооинженерия (асаларичилик) |
| 15 | 5410600 | Зооинженерия (балиқчилик) |
| 16 | 5410800 | Ўрмончилик |
| 17 | 5410900 | Ипакчилик ва тутчилик |
| 18 | 5411000 | Мевачилик ва узумчилик |
| 19 | 5411100 | Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси |
| 20 | 5411200 | Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш |
| 21 | 5411500 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 22 | 5411600 | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик |
| 23 | 5411700 | Иссикхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш |
| 24 | 5610300 | Туризм (агротуризм) |
| 25 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) |
| Магистратура мутахассисликлари | | |
| 1 | 5A230102 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5A230901 | Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5A232501 | Логистика (агрологистика) |
| 4 | 5A233301 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 5 | 5A310901 | Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) |
| 6 | 5A320501 | Биотехнология (маҳсулот тури бўйича) |
| 7 | 5A410101 | Агротупрокшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича) |
| 8 | 5A410102 | Агрокимё |
| 9 | 5A410201 | Агрономия |
| 10 | 5A410202 | Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 11 | 5A410203 | Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги |
| 12 | 5A410301 | Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича) |
| 13 | 5A410302 | Энтомология |
| 14 | 5A410303 | Фитопатология |
| 15 | 5A410304 | Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат |
| 16 | 5A410401 | Селекция ва уругчилик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 17 | 5A410501 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича) |
| 18 | 5A410606 | Балиқчилик |
| 19 | 5A410801 | Ўрмончилик |
| 20 | 5A410901 | Ипакчилик |
| 21 | 5A410902 | Тутчилик |
| 22 | 5A411001 | Сабзавотчилик ва полизчилик |
| 23 | 5A411002 | Мевачилик |
| 24 | 5A411003 | Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш |
| 25 | 5A411004 | Картошқачилик |
| 26 | 5A411005 | Мева-сабзавотчиликда биотехнология |
| 27 | 5A411101 | Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси |
| 28 | 5A411201 | Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн |
| 29 | 5A411202 | Манзарали богдорчилик |

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Қибрай тумани

“30” сентябрь 2020 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жоникулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси - М.Тулаходжаева, Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ

